



“...Парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини жорий этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда”¹.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ФУҚАРОЛАР ИШТИРОКИ – ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИ САМАРАСИНING МУҲИМ КАФОЛАТИ

*Мухтабар ХУСАНОВА,
юримдик фанлари номзоди,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати*

Қонун яратиш давлатнинг муҳим вазифаси бўлиб, ҳар бир давлат уни самарали амалга оширишга интилади. Зеро, қонун ижодкорлиги жараёнининг ҳар бир босқичини самарали ташкил этиш ҳамда амалга ошириш натижасида қабул қилинадиган қонунларнинг сифати, халқчиллиги ва ҳаётйилиги таъминланади.

Айнан шунинг учун ҳам, ўтган мустақил тараққиётимиз мобайнида барча соҳалар қатори қонун ижод этишнинг сифатини такомиллаштиришга қаратилган демократик чора-тадбирлар, ҳуқуқий асослар ва механизмлар жорий этилиб, уларнинг тўлиқ рўёбга чиқарилиши таъминланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида шахс, жамият ва давлат манфаатларини қонунларда ифодалашни мукамал таъминлашга қаратилган қонунчилик жараёнини ташкил этиш механизмлари белгиланди. Икки палатали парламентнинг жорий этилиши демократик исло-



ҳотларни изчиллик билан амалга оширишда сифатли қонунлар қабул қилиш имкониятининг янада кенгайишига, шу билан бирга қонун ижодкорлиги ва қонунлар ижросини назорат қилиш соҳасида барқарор тизим шакллантирилишига замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, икки палатали тизимда фаолият кўрсатаётган парламенти- мизнинг дастлабки беш йили муҳим бир даврга – мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланаётган бир даврга тўғри келган эди. Ушбу устувор вазифаларни ҳал қилишда умумдавлат ва минтақавий манфаатлар ўртасидаги мутаносиблик ва уйғунлик янада самарали таъминлашга қаратилган 250 дан зиёд қонун қабул қилиниб, ислоҳотларнинг ҳуқуқий

¹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 й. 7 декабрь // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА)нинг веб-сайти – www.uza.uz.



базасини такомиллаштиришга муҳим ҳисса қўшилганди.

Миллий Парламентнинг иккинчи беш йилдаги фаолиятида “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” қонун ижодкорлигини амалга ошириш стратегиясини белгиловчи муҳим дастур сифатида хизмат қилди. Зеро, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотларнинг натижалари таҳлил этилган ҳамда эришилган ютуқларга ҳолисона баҳо берилган, шу билан бирга, ислоҳотларнинг мантиғи ва изчиллигини таъминлашга жиддий эҳтиёж мавжудлиги асосланган мазкур Концепцияда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, уларнинг қонунчилик базасини шакллантириш бўйича муҳим вазифалар илгари сурилган.

Концепция асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган тузатишлар ва улар асосида қабул қилинган қонунлар давлат ҳокимияти органлари тизимида парламентнинг роли ва аҳамиятини сезиларли даражада кучайтирди, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда мамлакатимиз олий қонунчилик органининг имкониятларини кенгайтди, энг муҳими, қабул қилинган қонунларнинг бажарилиши ва таъсирчанлигини янада ошишига имкон яратди.

Икки палатали парламентимиз фаолиятининг учинчи беш йилидаги фаолиятида парламент фаолиятини замонавий талабларни инобатга олган ҳолда тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолияти сифатини ошириш, парламент ва депутатлик назоратини самарали амалга ошириш вазифасига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Бош Қомусимиз қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” номли маърузасида ҳам шу кунга қадар мамлакатимиз томонидан эришилган ютуқлар ва марралар

таҳлил этилган ҳолда бундан кейин инсон манфаатларини янада ҳимоя қилишнинг қайси вазифалари диққат марказимизда турмоғи лозимлиги тўғрисида фикрлар баён этилган эди.

Музраф Икромов, Ўзбекистон Республикаси

адлия вазир: “Мамлакатимизда қонун ижодкорлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифати ва самардорлигига пухта замин бўлаётир. Зеро, қонунлар қанчалик мукамал, аниқ ва лунда бўлса, уларни ҳаётга татбиқ этиш шунчалик осон кечади. Айтиш жоизки, мамлакатимизда қонун ижодкорлиги жараёни ва қонунчилик техникасини такомиллаштириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, зарур ҳуқуқий база шакллантирилган. “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”, “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги каби қонунлар ишлаб чиқиладиган ҳар бир қонуннинг мамлакатимиз ривожига хизмат қилишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади”².

2017 йилни юртимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 й. 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони янги демократик ислоҳотлар босқичини бошлаб берди. Мамлакат тараққиётининг барча соҳаларини қамраб олган ушбу ҳужжат ижросини ўз вақтида ва самарали амалга оширишда парламент ўзига хос муҳим ўрин эгаллайди.

Ботир Матмуродов, Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси: “Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони мамлакатимиз ҳаётида катта воқелик бўлди. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устувор-

² Мустақил давлатимизнинг мустақкам ҳуқуқий асоси. 2016 й. 28 январь // www.uz.uz.



ликларини ҳамда аниқ марраларини белгилаб берган мазкур ҳужжатда қайд этилган ҳар бир вазифа шу заминда яшаётган, эртанги кунга қатъий ишонч билан қараётган ҳар бир инсон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Ҳаракатлар стратегиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан кенг жамоатчилик, ишбилармон доиралар, давлат органлари вакилларининг учрашувлари, халқ билан мулоқотлар чоғида билдирилган мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар ривожлантиришнинг концептуал масалалари киритилгани эътиборга лойиқ³.

Айнан Ҳаракатлар стратегиясининг “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” акс этган бандларида Олий Мажлиснинг демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишдаги ролини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш вазифаси белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 й. 14 декабрдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз” мавзусидаги нутқида парламент фаолияти учун, халқ иродасини ифода этиш учун ғоят муҳим бўлган уч вазифа, яъни “...биринчидан, ҳар қайси вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлари ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, ҳокимият идоралари, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини пухта ўрганиб, таҳлил қилиши ҳамда тегишли хулоса беришлари, *иккинчидан*, “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг амалдаги ижросини барча соҳаларда мониторинг қилиш, шунингдек, бу борада хорижий мамлакатларнинг ил-

гор тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш, *учинчидан*, қонун талабларини бажармаслик билан боғлиқ ҳар бир ҳолат юзасидан аниқ ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш, бунда Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар бир вилоятда навбатма-навбат намунавий халқ депутатлари Кенгашлари ишини ташкил этиш тажрибаси жорий этилиши, аҳолининг барча тоифалари билан доимий мулоқотда бўлиш, фуқароларнинг қонуний талаб ва эҳтиёжларини нафақат ўрганиш, балки уларни таъминлаш зарурлиги”, таъкидланган⁴.

Бутунги кунда ҳар икки палатанинг қўшма қарори асосида ҳар ойнинг дастлабки 10 кунда парламент аъзолари ҳудудларни ўрганиш, халқни ўйлантираётган масалаларни чуқур таҳлил этиш орқали ҳал этишнинг самарали механизмларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Шу билан бирга парламент назорати ва қонун ижодкорлиги фаолияти айнан ҳудудларни ўрганиш натижалари асосида ташкил этилаётгани тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунларнинг қабул қилинишига хизмат қилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида фуқаролик паспортини расмийлаштириш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган маъмурий жазо миқдорини енгиллаштиришни назарда тутувчи “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини тайёрлаб Қонунчилик палатасига киритилганлиги⁵ қонун ижодкорлиги жараёнининг демократик хусусиятини янада оширди. Чунки, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролик паспортини расмийлаштириш қондаларини бузганлик учун жавобгарликка тортилаётган юз минглаб фуқароларнинг муаммоларини ҳал этишга хизмат қилишига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 8 февралдаги “Қонун ҳужжатларини

³ Тараққиётимизнинг беш йилга мўлжалланган устувор йўналишлари белгилаб берилди. 2017 й. 8 февраль // www.uz.uz.

⁴ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. 2016 й. 14 декабрь // www.uz.uz.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. — 2017. — № 4. — 152-модда.



тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асоси бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамият ҳаётидаги таъсирини оширишга хизмат қилиши ҳамда қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини комплекс тартибга солишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Қарорнинг эътиборга молик жиҳатларидан бири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари матнларида тегишли қонунлар қабул қилингандан сўнг унинг ижросини таъминлаш ҳамда ижрочиларга етказиш ва аҳоли ўртасида моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш бўйича масъул бўлган давлат органлари кўрсатилиши белгиланди ҳамда бугунги кунда амалиётга тадбиқ этилмоқда. Мазкур ҳуқуқий механизмнинг қонунчилик жараёнига жорий этилиши мамлакатда қонун устуворлиги принципининг амалий аҳамиятини янада ошириб, қабул қилинган қонуннинг жамият ҳаётига қисқа муддатда сингиб, ислохотлар самарасини оширади.

Бундан ташқари, Президентимизнинг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида ҳам қонун ижодкорлиги самарасини оширишга қаратилган муҳим вазифа, яъни давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва манфаатларини янада самарали таъминлаш мақсадида мурожаат натижасида қабул қилинган қонунларнинг жамиятда қанчалик тўғри қўлланилаётганлиги таҳлил қилиниши белгиланган. Бу эса ўз навбатида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қандай ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлигини аниқлаш имконини бериб, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишига асос бўлади.

Арипжан Кудратов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази кардиоревматология бўлими мудири: “Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналишида давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг роли-

ни кучайтириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатида оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Бу қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг родини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу сиёсий партияларнинг аҳолини ўйлантираётган муаммоларга самарали ечим топиш ва ҳудудларни ривожлантиришда фаол иштирок этишига мустаҳкам замин яратади”⁶.

Хулоса ўрнида айтганда, халқ манфаатлари асосида ишлаб чиқилган ҳамда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишлари ва вазифалари белгиланган Ҳаракатлар стратегияси парламент фаолиятини ҳам янги босқичга олиб чиқди. Қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш мақсадида қонунлар ижросини ташкил этиш бўйича соатдек аниқ ишлайдиган механизм яратишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар қонун устуворлигини ва қонунийликни янада мустаҳкам таъминланишида, қабул қилинган қонунларнинг ўз вақтида ва бир хил қўлланишига, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали ислохотлар жараёнида фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

Mukhtabar KHUSANOVA

Civic participation as an important guarantee of the productivity of lawmaking process

Key words: state ruled by law, Uzbekistan's latest history, democratization, law policy, Strategy of Actions along Five Priority Directions of the Development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021, constitutional reforms, judicial reform, national legislation, lawmaking

Summary: the piece looks into the involvement of citizens, scholars, specialists, experts, social organizations in lawmaking activity, elaboration of normative acts

⁶ Тараққиётимизнинг муҳим омили. 2017 й. 18 апрель // www.uza.uz.